

Янги жамиятнинг энг муҳим асослари



15:06 / 17.07.2020 1705

1. Набавий масжидни бино қилиш

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг туялари бўлажак масжиднинг ўрнига чўккан эди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларни ўша жойга масжид қуришга буюрдилар ва қурилиш ишларида ўзлари ҳам иштирок этдилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам тошларни, ғиштларни кўтариб ташир эдилар. Ўшанда масжиднинг қибласи Байтул мақдисга қаратилди. Унинг устунлари хурмо дарахти танасидан, шифти эса хурмо дарахтининг шохларидан қилинди. У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жуфти ҳалолларининг хужралари масжиднинг ён тарафига қурилди. Қурилишни битириб бўлганларидан кейин, шаввол ойида Оиша розияллоҳу анҳо билан яшай бошладилар. Мусулмонлар ушбу масжидга илм олиш, ибодат қилиш, қозилик ишлари ва турли йиғинлар учун тўпланишар эди. Масжид уларнинг ўзаро яқинлашишларида катта омил бўлиб хизмат қиларди.

2. Ансорий ва муҳожир саҳобаларнинг оға-ини тутинишлари

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам муҳожир ва ансорий саҳобаларни бир-бирлари билан оға-ини тутинтирдилар. Улар уйларини, мол-мулкларини тақсимлашди. Ушбу биродарлик насаб биродарлигидан кучли эди. Мана шу биродарлик ила Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қабилавий бирлик ўрнига диний бирликни пайдо қилдилар.

3. Мусулмонлар ва ғайридинлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси

Мадинада уч тоифа одамлар яшашарди: мусулмонлар, мушрик араблар ва яҳудийлар. Яҳудийлар Бану Қайнуқоъ, Бану Назир ва Бану Қурайза қабилаларидан иборат эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу тоифалар ўртасида омонлик, тинчлик, ўзаро ҳамкорлик ва бағрикенгликни ўрнатиш мақсадида аҳдномалар туздилар.

4. Ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий асосларни ўрнатиш

Ислом дин ва жамиятдан иборатдир. Шунинг учун ҳам янги жамиятда бу нарсаларнинг асосларини қуриш лозим эди. Ўша даврлардаги кўпгина Қуръон оятлари шариат аҳкомларининг ҳамма тарафдан қабул қилиб олиниши учун нозил этилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мазкур ояти карималарни ўз сўзлари ва амаллари билан шарҳлаб, татбиқ қилиб, кишиларга ўргатиб турдилар. Мадинадаги аҳоли фазилатли ҳаёт кечирди. Улар олий мақом эгаси бўлиб, садоқат биродарлиги билан бирлашдилар. Бу жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўзаро тенглик асосида яшар эди. Мана шундай қилиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам биринчи исломий жамиятга асос солдилар.

«Ислом тарихи» биринчи китобидан